

# Единый портал корпоративной информации

## Объявления

"Yog'gar" AJ

Объявление

"YOG'GAR" AKSIYADORLIK JAMIYATI

БОШҚАРУВ РАИСИ ЛАВОЗИМИГА ТАНЛОВ

### ЭЪЛОН!

**“Yog'gar” акциядорлик жамияти** жамият Бошқарув раиси лавозими танловига қатнашиш учун номзодларни таклиф этади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.04.2015 йилдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқариш усулларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ – 4720 – сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26.04.2019 йилдаги “Давлат активларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 356 – сонли қарори талаблари ҳамда жамият бошқарув органи тўғрисидаги низом талаблари, жамият кузатув кенгашининг 31.05.2019 йилдаги мажлиси ижросини таъминлаш мақсадида жамият Бошқарув раиси лавозимига танлов элон қилади.

Танловга қатнашиш учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек чет эл фуқаролари таклиф этилади.

Танлов қатнашчиларга қуйидаги талаблар қўйилади:

-Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида, ёхуд Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасидаги таълимга тенглиги эътироф этилган хорижий давлат таълим муассасасида олинган олий иқтисодий маълумотга эга бўлиш;

-Амалдаги қонунчилик ва ёғ-мой саноати корхоналари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни билиши;

-мазкур соҳада молиявий-хўжалик тажрибасига эга бўлиши;

-иқтисодий ёки бошқарув соҳадаги жиноятчилик учун судланмаган бўлиши;

-чет тилларини (рус, инглиз ва бошқалар) билиши.

Қатнашчилар танловда иштирок этишлари учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак:

-танловда қатнашиш учун ариза;

-номзод тўғрисида маълумотнома (резюме);

-шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт);

-диплом нусхаси;

-иш стажини тасдиқловчи ҳужжат (меҳнат дафтарчасидан нусха).

Хужжатларни қабул қилиш муддати: 2019 йил 14 июнгача.

Танловни ўтказиш санаси: 2019 йил 17 июн куни.

Танловни ўтказувчи орган: “Yog'gar” АЖ Кузатув кенгаши.

Танлов ўтказиш жойи: Қорақолпоғистон Республикаси, Беруний шаҳри, Қурувчилар кўчаси,12-уй.

Хужжатларни қуйидаги:

почта манзилига: Қорақолпоғистон Республикаси, Беруний шаҳри, Қурувчилар кўчаси,12-уй.

жамиятнинг электрон почта манзилига([beruni\\_aoyoggar@bk.ru](mailto:beruni_aoyoggar@bk.ru) (mailto:beruni\_aoyoggar@bk.ru)) жўнатиш мумкин.

Танловда қатнашиш истаги бор 0 (361) 524-93-10. 998 - 99-759-01-75 саволлар бўйича мурожат қилишлари мумкин.

04.06.2019

---

Источник: <https://openinfo.uz/announce/6849/>

Дата: 05.04.2026